

Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 13 август • сешанба № 31 (871)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Ислон КАРИМОВ:

“Тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди”.

Ўзбекистон — тинчлик Ватани

ИНСОН ҳаётда бир марта яшайди. Ана шу ҳаётда у бахтли яшashi керак. Бу бор ҳақиқат. Бундай мазмундаги сўзларни ҳар кун эшитамиз. Баъзан бу сўзларни эшитганимизда унчалик эътибор ҳам бермаймиз. Дунёдаги нотинчликлар ҳақида ОАВда ўқиганда, телеэкранларда кўрганимизда ҳушёр тортамиз. Ана шундай қирғин-барот урушлардан Яратганининг ўзи асрасин, деймиз. Тинч ва осойишта юрда яшаётганимизга шукроналар айтамыз.

Ҳа, бугун юртимизда амалга оширилаётган барча яратувчанликнинг манотиқи мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикдир. Тинчлик эса ўз-ўзидан бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбарининг доно сиёсати, ҳукуматнинг ўз танлаган йўлидан дадил боришигина тинчликка замин яратади. Бугун юртимизнинг қайси бир маҳаллага кишлоғига, шаҳару овулига борманг, одамлардаги байрамона кайфиятни кўриб қалбингиз тоғдек кўтарилади. Далаларда иш қизгин. Пахтакор ўза-



си ёнида, қурувчи янги замонавий — уйлар қурмоқда. Йўлсоз ўз иши билан банд. Ва... Президентимизнинг шу йил 12 июнда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида “Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқотлар уюштирилмоқда. Мақсад ўтмишга ва мустақиллик

йилларида амалга оширилган ишларга бир назар ҳамда байрамга тайёргарлик кўриш. Мамлакатимиздаги барча ютуқларнинг илди-зи тинчликка боғлиқлиги ана шу Қарорда ўз аксини топган. Қарорда “...ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва но-

тинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо оғох сезгир ва маънавий уйғок бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро

аҳиллик, ўзаро меҳр-қўшунлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачигидек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг маъно-маъмурий очиб бериш” лозимлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Олий Мажлис қонунчилик палатасида давра суҳбати

Ҳуқуқий эксперимент: қонун ижодкорлигининг демократик усули дунё амалиётида ноёб тажриба

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2013 йил 20 мартдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси нормаларини тажрибадан ўтказиш бўйича ҳуқуқий экспериментни ташкил этишга йўналтирилган Фармойишининг қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди. Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича давлат органлари фаолияти тўғрисида аҳоли хабардорлигида оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари роли ва аҳамиятини кучайтиришни кўзда тутиб бу Фармойиш ижроси юзасидан жорий йил мобайнида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент яна бир қарра мамлакатимизда инсон манфаатларининг устуворлигини, бу масала давлат сиёсати даражасидаги эътиборли масала эканини намойиш этди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Кўмитаси аъзолари билан ўтказилган давра суҳбати ана шу долзарб мавзуга қаратилди.



Акmal САИДОВ,
Кўмита раиси
“Миллий тикланиш”
ДП фракцияси аъзоси):

— Президентимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий амалиёт томонидан талаб этилган 50 дан ортиқ қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Концепцияда фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда ва қабул қилинаётган қарорларнинг сифати учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш учун қаратилган қонунчилик ҳужжати сифатида “Давлат

ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилган. Қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликларини ва ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган демократик ҳуқуқий жамият қуриш концепциясининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Ушбу қонун давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчилик хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-тамойлари ва механизмларини аниқ белгилашга, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органлари томонидан қабул қилинаётган ахбо-

ротдан, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборотдан кенг фойдаланилишини таъминлашга қаратилган. Қонун лойиҳаси миллий ва хорижий экспертлар иштирокида кенг муҳокама қилинди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказилган семинар ва давра суҳбатлари, халқаро конференция яқунлари бўйича қонунни такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилди. Қонун лойиҳасини тайёрлашда Австрия, Буюк Британия, Франция ва Германия сингари ривожланган демократик давлатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот очиқлигини таъмин-

лаш тажрибаси ўрганиб чиқилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕОҲТ Вакли Бюросидан, Нотижорат ҳуқуқи халқаро Марказидан (АҚШ) олинган тавсиялар ҳам инобатга олинди. Энг муҳим жиҳати — бу давлатимиз раҳбарининг Фармойиши билан Бухоро ва Самарқанд вилоятларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти учун алоҳида ҳуқуқий тартиб амалга қилинди. Бу қонуннинг фаолияти тўғрисида ахборот олишда фуқароларнинг ҳуқуқларини жиддий равишда кенгайтиради. Жумладан, ахборот сўровлари ва талабларини кўриб чиқиш, уларга тегишли жавоблар

Тизим тадбири Экспертиза жараёнлари ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

УНДА Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари вакиллари иштирок этишди.

Уни ўтказишдан асосий мақсад, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари бўйича мутахассислар муҳокамасини ташкиллаштирилди.

Мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар самарадорлиги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли, нафақат қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқлаштиришни таъминлаш, балки уларда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан суистеъмолликларнинг амалга оширилиши, амалиётда коррупциянинг турли шакллари вуҷудга келишига олиб келувчи нормаларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Таъкидлаш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан уларнинг ҳуқуқий экспертизаси давомида амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси лойиҳаларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, шунингдек, ушбу омилларни бартараф этиш ёки уларнинг таъсирини чеклашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

Коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар, дегадда ҳуқуқни қўлловчи асосий кенг ваколат доирасини ёки асосий равишда умумий қоидалардан истисноларни қўллаш имкониятини берадиган лойиҳаларнинг қоидалари, фуқаролар ва ташкилотлар учун муҳим, бажарилиши қийин ва (ёки) оғирлаштирувчи талабларни ўз ичига олган ва шу орқали коррупцияга олиб келувчи шариоатларни яратадиган қоидалар, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар тушунилади.

Шу ўринда, Давра суҳбати иштирокчиларига адлия вазирлиги ходимлари томонидан хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза соҳасидаги қонунчилиги ҳақида батафсил маълумот берилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан мутахассислар коррупцияга қарши экспертизани амалиётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини кўрсатиб, коррупцияга қарши экспертиза ҳақидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинди.

Юзма-юз мулоқот якунида бундай тадбирлар коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган қораларнинг самарадорлигини оширишга, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таъсирчанлигини таъминлашга, норма ижодкорлиги жараёни ва коррупцияга қарши экспертиза билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассислар муҳокамасини ўтказиш, уларни янада такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши ҳақида умумий хулоса қилинди.

Қонун доирасида Маънавий зарар ундирилди

МАЪЛУМКИ, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлаш адлия органларининг алоҳида назоратига олинган.

ХУСУСАН, Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан 2013 йил 12 февралда “Хатирчи кичик бизнес” ҳусусий корхонасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда ҳолислар иштироки тўлиқ таъминланмаганлиги аниқланиб, адлия органи томонидан киритилган тақдирномага асосан шаҳар ДСИ ходимларига нисбатан ўртача иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Шунингдек, текшириш натижаси бўйича корхонага қўлланилган молиявий жарима ҳамда корхона раҳбарига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий баённома беркор қилинди.

Бундан ташқари, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш Департаментининг Сирғали тумани бошқармаси томонидан “Олчазор кеш” МЧЖ таъсисчиси Б.Ташматовдан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганлиги аниқланиб, адлия органининг қиритган даъво аризасига асосан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан корхона таъсисчиси фойдасига маънавий зарар ундирилди.

Худди шундай яна 14 та корхона манфаати ҳимояси борасида киритилган даъво аризаларга мувофиқ Сирғали тумани бошқармасидан суд қарорлари билан тадбиркорлар фойдасига жами 1 миллион 400 минг сўм миқдорда маънавий зарар ундирилди.

Шунингдек, адлия идораларининг қиритган тақлифлари ҳамда расмийлаштирилган маъмурий баённомаларига кўра, айбдор мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланмоқда.

Жумладан, Сурхондарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан “Сурхон тайёрлов савдо инвент” МЧЖнинг мурувжатида асосан пахта ёғини импорт қилиш учун мувофиқлик сертификати бериш ишлари 10 иш қундан кечиктирилиб амалга оширилганлиги юзасидан вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази раҳбарига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий баённома жиноят ишлари бўйича Термиз тумани судида кўриб чиқилиб, маъмурий жарима қўлланилди.

Шокир РАФИКОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Ўзбекистон — тинчлик Ватани

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Юртбошимизнинг яқинда чоп этилган **“Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”** рисолиси жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортди. Ушбу рисолада Юртбошимиз Афғонистондаги вазиятга одилона баҳо бериб, бу давлатдаги нарқобизм, ўзаро низо, экстремизм ва терроризм, деган баёнлар дунёнинг ҳар бир давлати учун катта хавф эканлигини таъкидлаб, афғонни яна бир бор огоҳликка ундайди. Эътиборлиси, жаҳоннинг энг обрўли сиёсатчилари Президентимизнинг сиёсатини қўллаб-қувватламоқда.

“Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисолисида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммоларини ҳал этиш бўлимида билдирилган амалий хулоса ва тақлифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг ақсо-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-иқтисодий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланган ва бахс-мунозараларга сабаб бўлмоқда, деб ёзади **“Жаҳон”** ахборот агентлиги.

Жумладан, **АҚШнинг Жон Хопкинс университети** қошидаги **Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг** таъкидлашича, Президент Ислам Каримов Афғонистондаги вазиятни **“ўта оғир ва нозик”**, дея аниқ ва равшан таҳлил этди. **Бугунги кунда афғон муаммосини** ҳарбий йўл билан ҳал этиш бўлмаслигини реал фикрлар оладини ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.

Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж Афғонистондан


чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислам Каримовнинг бу борадаги сўзларини **ўз халқининг тинчлиги ва оқсоишталлигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир**, деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислам Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларни музокарали столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чакирмоқда, дейди П.Морвиж.

АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М.Олкотт Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаришнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, икки ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида қўрилиши ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб туровчи темир йўл ҳамда тезкор автотомобил йўллари билан баъзи этилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, **“Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди”**, дея ишонч билдиради.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислам Каримовнинг жорий йилнинг 9 май-



ида Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан берган интервьосига ҳориқий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича қўқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир, деб ёзади **“Жаҳон”** ахборот агентлиги.

— Бу йил деҳқон ва фермерларимиз ҳамда дала меҳнаткашлари тўқчилик белгиси бўлмиш галладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд оқсак хирмон бунёд этди, — дейди сирдарёлик фермер **Шокир Ниёзов**. — Бу улуғлигимиз илдири ҳам тинчликка бориб тақалади. Тинч юртининг деҳқончилиги даласига дон экади, парвариш қилади. Нотинч давлатнинг деҳқони эса оиласини ва ўз жонини ўйлаб ҳатто ўзга юртларга бош олиб кетишга мажбур бўлади.

Қўшни Афғонистонда ўттиз йилдирки, нотинчлик. Ҳар кўни қўллаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан қўз юммоқда. Халқ урушдан чарчаган.

Минглаб одамлар ўз Ватанидан йироқда ватагадоликда кўн кефирмоқда. Жабр-дидда афғон халқининг урушда чеккан азобларини айтаверсак тугамайди. Бундан бир неча йил олдин телевидорда кўрсатганда, Афғон қишлоқларида бирида тўй бўлаётган жойга бомба ташланди ва шу заҳоти тўй азга айланди. Қўллаб бегуноҳ инсонлар ҳаётдан қўз юмиди. Бу халқнинг дарди бизга бегона эмас. Азалдан афғон халқи билан тўйимиз, маъракамиз бир бўлган элими. Ҳозир ҳам у юрда минглаб миллатдошларимиз яшайди. Бу давлат билан бизнинг мамлакатимизни биргина дарё ажратиб туради.

Уруш. Бу сўз неча асрларки инсоният лугатидан ўчиб кетмапти. Манфаатдор кимсалар дунёнинг турли бурчларида ўз қўқур-яроғларини сотиш учун уруш оловларини чиқармоқда.

Халқаро тадқиқот институтларининг хулосаларига кўра, сўнгги тўнтариш ва зиддиятлар натижасида, 2012 йилда дунё миқёсида қарийб 307 миллиард АҚШ долларига тенг қўқур-яроғ сотилган, ҳарбий операциялар чоғида отилган ҳар бир бомбанинг нархи 30 минг АҚШ долларини ташкил қил-

гани мисолида ҳам Ер юзидан нима учун уруш ўқоқлари тобора қўқайиб бораётганининг сабабини англаб олиш қийин эмас.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарларига қараганда, уруш ва оммавий тартибсизликлар туфайли Тунисда 300 нафардан, Мисрда 800 нафардан зиёд, Ливияда 14 минг нафар одам ҳалок бўлган. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ҳисоботида қайд этилишича, Сурияда давом этаётган қўқурли тўқнашувлар оқибатида ҳар ойда 5 минг киши ҳалок бўлмоқда. Мажаро бошланганидан буён эса 93 мингдан зиёд одам қўқур бўлган. Мамлакат аҳолиси бомбардимонлар, зўравонликлардан, тинимсиз отилаётган снаряд ва ўқлардан оиласи, ўз жонини асраш учун йўқини, Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлаёттир. (**“Халқ сўзи”** 2013 йил 26 июнь).

Биз дунёдан айри яшай олмаймиз. Фарзандларимиз ҳам. Айниқса, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган даврда. Тўғриси, бугунги кунда ёшларимиз ўз ҳаётлари **интернет**сиз тасаввур қила олмайдилар. Бироқ қаразлик кучлар узоқ ўқлардан туриб айрим ёшларимизнинг онгини заҳарлаш пайида турли қаразлик ишларни ана шу “ақлли техника” орқали амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Даврнинг талаби шуки, ёшларимизнинг ўзлари ана шу бугунги гоёлардан сақланиши лозим.

Зеро, Юртбошимиз **“Юксак маънавият — энгилмас куч”** асарига таъкидлаганидек, **“Бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлидир”**.

Бугунги кунда, Ватан тинчлиги ва оқсоишталлиги учун ҳар бир юртдошимиз масъул эканини унутмаслигимиз керак. Бунини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбидан ҳис қилмоғи лозим.

Чунки улар Ватанининг эртанги эгалари. Юртбошимиз ҳам беҳудага ёш авлодга қарата **“Мен уларга ўзимга ишонгандек, ишонман”**, дея таъкидламагандилар.

Дунёда 200 дан ортиқ мамлакат мавжуд. Ана шу давлатлар орасида ўз сўзини айтадиган барча соҳада етук, қудратли давлатлар борки, улар ўзининг қадр-қимматини англаган, ўз куч ва қудратига ишонган, ўз юртини ҳимоялашга қўқур етадиган, мамлакатидан тинчлик ва оқсоишталлиқни сақлайдиган келажаги бор давлат билан ҳар жиҳатдан халқаро алоқаларни ўрнатади. Ўзбекистон ўтган мустақиллик йилларида тенглар ичра тенг бўлиб ана шу қудратга эришди.

Қўшинингиз ҳам сизни ўзига тенг кўрса, олди-берди учун эшигингизни тақиллатиб келади. Мустиқиллик туфайли Ўзбекистон ҳам 120 дан ортиқ давлат билан дипломатик, сиёсий-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатди. Жумладан, АҚШ, Япония, Хитой, Хиндистон каби яна қўллаб-қувватлаётган давлатлар сўзимизнинг исботи бўла олади. Бу ютуқларимизда замирида ҳам юртимизда ҳўкм сўраётган **тинчлик ва оқсоишталлиқ** ётганлигини бир зум ҳам унутмаслигимиз лозим.

...Тонг отди. Юртимизнинг янги тонги. Қўёш одатдагидек нур сочмоқда. Барча юртдошларимиз ўз юмушларига отланмоқда. Шу дамба узоқ-узоқларда қарнай-сурнай навоси эшитилди. Ўзингизга фотиха тортасиз. “Ёшлар бахтли бўлсин”. Тинч юртга тўқ-тантаналар, байрамлар ярашди. Шундай экан, тинчлик қадрига етмоғимиз лозим. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”**.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
“Инсон ва қонун”
муҳбири

Адлия аралашгач... Ишдан ноқонуний бўшатишган ходим

Ўз вазифасига тикланди

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
адлия бошқармаси
томонидан
фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимида
сезиларли
ижобий ишлар амалга оширилмоқда.



ЖУМЛАДАН,
2013 йилнинг ўтган 6 ойи давомида инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича қилинган 185 та шикоятнинг 84 таси қаноатлантирилган, қўқур чикилган 20 та аризадан 11 таси ижобий ҳал этилиб, 9 таси бўйича асослантирилган ҳуқуқий тушунтириш берилган. “Ишонч телефони”га келиб тушган муножаатларнинг 63 таси мазкур соҳага тегишли бўлиб, шундан 48 таси бевосита қўқур чикилган ва 29 таси асосли, деб топилди, муножаат этувчиларнинг ҳуқуқий тикланган.

Масалан, Термиз тумани “Янгиарик” маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Ўтаев адлия бошқармасига шикоят билан муножаат қилиб, Термиз олимпия захиралари коллежи томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатилганини билдирган ва унинг меҳнат қилишга оид ҳуқуқини тиклашни ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарини ундиришда амалий ёрдам сўраган.

Бошқарма томонидан мазкур шикоятнинг қўқур чикилиши натижасида, фуқаро Б.Ўтаевнинг вазирлари асосли, деб топилди ва унинг манфаатини қўқур, Термиз олимпия захиралари коллежига нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритилган. Даъво Суд томонидан қўқур чикилиб, фуқаро Б.Ўтаевни коллежнинг Миллий қураш бўйича мураббий вазифасига тиклаш, унинг фойдасига мажбурий бекор юрган вақти учун 3 425 919 сўм иш ҳақи ундириш ҳамда жавобгар ҳисобидан Б.Ўтаевнинг фойдасига 489 000 сўм маънавий зарарини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.


Шухрат НАЗАРОВ,
Сурхондарё вилоти адлия бошқармаси масъул ходими

Ҳуқуқий эксперимент: қонун ижодкорлигининг демократик усули

дунё амалиётида ноёб тажриба

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

тайёрлаш муддатлари норматив жиҳатдан янада муостаҳкамланади. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровлари улар рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қўқур чикилиши, оммавий ахборот воситаларининг эксперимент ўтказиш субъектлари фаолияти, шунингдек, эксперимент ўтказиш субъектларининг мансабдор шахслар билан суҳбат ташкил этиш тўғрисидаги сўрови эса етти кундан ортиқ бўлмаган муддатда қўқур чикилади. Шунингдек, ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотга бўлган сўровлари ёзма (шу жумладан, электрон) ва оғзаки шаклда, шунингдек, бевосита ўз вакиллари орқали юбориш ҳуқуқи муостаҳкамланади.




Адхам ШОДМОНОВ,
қўқурта раисининг ўринбосари (ЎзДеп фракцияси аъзоси):

— Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ношжорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари улар фаолиятиндан кенг хабардор бўлишга йўналтирилган қонун лойиҳаси нормаларини тақомиллаштириш бўйича асосли тақлифларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Ҳуқуқий эксперимент — бу экспериментал ҳуқуқий нормаларнинг самардорлигини, фойдалилигини ва тежамиллигини текшириш ҳамда умумий амал қиладиган бўлгуси қонуннинг мақбул ва риантларини пухта ишлаш учун чекланган географик ва вақт кўламини қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказишдир.

Ҳуқуқий экспериментдан фойдаланиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг демократик усуллари билан бири ҳисобланади. Ундан халқаро амалиётда кенг фойдаланилади. Бу усулдан фойдаланиш жамият ва давлат қўқурлишининг реал юридик амалиёти билан бевосита боғлиқ, илмий асосланган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий нормаларининг ҳаётийлиги ва самардорлиги бўйича тавсиялар олиш имконини беради. Президент Фармоний бир томондан, ушбу қонун лойиҳасини тақомиллаштириш учун янги имкониятлар очса, иккинчи томондан, қонун ижодкорлиги ташаббуси субъектларининг қонун ижодкорлиги фаолиятига янги, истиқболли, демократик тамойилларга асосланган экспериментал усулни кенг жорий этиш асосини шакллантиради.

Шунингдек, ҳуқуқий эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор шахсларга, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ношжорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига зарур ахборотни олишнинг кенг имкониятларини беради.



Зайнуддин МАНСУРОВ,
қўқурта аъзоси (ЎзДеп фракцияси аъзоси):

— Шунини мамнуният билан қайд этиш лозимки, мустиқил Ўзбекистонимизда фуқароларнинг Конституциявий эрки ва ҳуқуқини ҳар томонлама таъминлаш бўлимида кенг қўқурли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бизнинг электратимиз бўлган ижтимоий ҳимояга мўхтож қатламга мансуб аҳоли “Ўзбек модели”нинг мавжуд беш тамойилидан бири, яъни ижтимоий ҳимоя тамойили асосида давлат ҳимоясига олинганлиги мамлакатимиздаги инсонпарварликнинг олий намунасидир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклиги принципи ҳам худди ана шу мезоннинг узвий бир қисми эканлиги бошқа қатламлар қатори бизнинг электратимиз манфаатларини ўзида ифода қилиши билан алоҳида аҳамият касб этиши табиий. Шу боисдан ҳам биз — ЎзДепДан сайланган депутатлар фракциямиз позициядан келиб чиқиб, мазкур эксперимент дунё амалиётдаги мавжуд қонунларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш бўйича амалдаги амалиётдан тубдан фарқли равишда бу қонун лойиҳа пайтидаги эксперимент тарзида жамоатчилик мўхокамасидан ўтказилаётганлиги, бундан қўқурланган мақсад биринчидан, кенг жамоатчилик иштирокида янада мукамаллаштириш бўлса, иккинчидан қонунда давлат манфаатига эмас, балки демократик жамиятининг асосини ташкил этувчи фуқаро манфаати ақс этаётгани, бу эса мамлакатимиздаги ислохот ислохот учун эмас, балки инсон учун, деган муҳим тамойилга мос эканини кенг тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, айтиш мумкинки, бизнинг электратимиз бўлмиш ижтимоий ҳимояга мўхтож қатламлар манфаатини ҳам ўзида ифодалаб, уларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан ҳам ҳуқуқий эксперимент давомида партиядан сайланган депутатларимиз, партиядошларимиз

ва электратимиз вакиллари томонидан фаол қонун ижодкорлиги позицияси йўлга қўқурлиб, қонун нормаларининг ақсарият қисми кенг мўхокамасдан ўтказилиб, тегишли фуқаро асосида ри-вожлантирилди, пировард натижада, қонуннинг фаол ишлаши учун унинг халқлик қонун бўлишга эришиш бўлимида муайян ишлар олиб борилди.



Муҳаббат ТЎХТАЕВА,
қўқурта аъзоси (ЎзДеп фракцияси аъзоси):

— Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қўқурли ва қўқурли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилган ва у Конституцияимизда муостаҳкамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини қафолатлади. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 30-моддасида барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш қийин имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Бу қоида ва принциплар қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги, **“Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”**ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун

зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароитлар яратилган. Демократик жараёнларни қўқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иш-ишлари қўқурлаштиришга ахборот эркинлигини таъминлашдан эришиб бўлмайди.

Янги қонунда жамоатчилик давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида халқаро қилиш процедураси белгиланган, аҳоли, жамоат бириш-маларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишни таъминлаш қўқурта қилинди. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётида таъкид этилиши ижро ҳокимияти органларининг бу қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга, жамиятимизда фуқаро хилма-хиллигини, сўз ва сайлов эркинлигини кенгайтиришга хизмат қилади.



Отабек АБДУГАНИЕВ,
қўқурта аъзоси (Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси):

— Ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали амалга ошириш юзасидан бугунги кунда қўқурла чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштироки ва улар учун яратилдиган эркинлик ҳамда имкониятлар ҳам кенгайтирилмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали амалга ошириш учун итисослаштирилган Интернет-сайт яратилди. Унда ҳар бир киши эксперимент амалга оширилиш жараёни билан танишиши, қонун лойиҳаси нормаларини мўхокама қилишда қатнашиши, оммавий ахборот воситалари вакиллари эса пресс-релизлар, бюллетенлар ва шу каби-ларда эълон қилинадиган ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни жўнатишнинг автоматик режимида олишлари мумкин бўлади.

Мазкур жараёнда ОАВнинг эркин ва самарали иштироки ҳақида тўқталганда, аввало, давлатимиз раҳбари **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”** қонун қабул қилиш зарурлиги ҳақида қонун илгари сўраб экан, ушбу қонунда **“Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенг-роқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилаётган қарорлар сифатини ошириш бўлимидаги масъулиятини ҳам қўқурлашдан қўқурлаштириш”**га алоҳида уруғ берганлигини эътироф этиш жоиз.

Эксперимент бориши давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишда жисмоний ва юридик шахслар учун янги имкониятлар яратилди. Булар нисбатда ақс этади, деган ҳақли савол туғилади. Жумладан, ўтказиладиган экспериментнинг самардорлиги ва эксперимент ўтказиш субъектлари ўзининг ахборот очиклигини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахборотдан фойдаланувчиларнинг баҳо-ларини олишга доир социологик тадқиқотлар олиб бориш имконини юзага келади. Шунингдек, очиклиқни таъминлашда қонун лойиҳаси нормаларини мўхокама қилиш бўйича кенг жамоатчилик, хусусан, журналистлар учун конференциялар, брифинглар, матбуот анжуманлари ташкил этилади.

Ҳуқуқий тажриба давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизда


амалга оширилаётган ислохотларнинг очик-ошқоралигини янада тўқлиқ таъминлашга хизмат қилар экан, албатта, бу фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кенгайтириш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш яқунлари бўйича барча олинган натижалар пухта таҳлил қилинади. Улар асосида қонун лойиҳаси матнини ишлаб чиқишда ҳисобга олин-диган аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мазкур вилотлар давлат тузилмаларининг масъул ходимларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг ишлари ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ушбу жараёнинг иштирокчилари саналади. Айтиш пайида, ҳуқуқий тажрибани ўтказиш ишлари олиб борилапти. Яъни тажрибанинг тақлилий-ҳуқуқий базаси таъкидлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун лойиҳаси нормаларида белгиланган очиклик тартибиде фаолият кўрсатишга доир регламентлари тақомиллаштириллапти. Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини мазкур услубнинг мақсади ва вазифалари, тартиби ва бошланғич ҳақида хабардор қилиш бўйича тадбирлар ташкил этила-пти.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг бу каби мантйик давоми сифатида ҳуқуқий механизмларни ривожлантириш, замонавий ахборот маконига эга бўлиш, самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўқурли орқали қўқурли фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзига хос аҳамият касб этиши муқар-рар.

(Ўз муҳбиримиз)

Суннатилло АБДУРАСУЛОВ,
Тошкент вилояти адлия
башқармаси маълумот хизмати



Виктор Мари ГЮГО
(1802-1885)

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

“Агар сизда куч бўлса, бизда ҳуқуқ қолади”.

“Виктор Гюго ўзини Виктор Гюго, деб фараз қилувчи бир телба эди”

Жан Кокто*

Фаройиб тақдирлар

Сенатор Гюго – “Европа фуқароси”

ЭЗУВЧИ, шоир ва драматург, француз роман-тизмнинг асосчиси ва назарийчиси Виктор Мари Гюго 1802 йил 26 февраль куни Франциянинг Безансон шаҳрида Биринчи Республика даврида туғилган. Унинг сўзи билан айтганда: “Мен туғилганда аср икки ёшда бўлган”. Гюго оилада учинчи фарзанд бўлиб, отаси Жозеф Леопольд Сигисбер Гюго (1773-1828) Наполеон армиясининг генерали эди. Онаси Софи Требушье (1772-1821) хоним эса кема хўжайинининг қизи бўлган. Гюгонинг ёшлиги отасининг ҳарбий хизмати тугайли дастлаб, Марсел, Корсика ва Эльбада (1803-1805), 1807 йилгача Италияда, 1811 йилгача эса Мадридда кечган. Онаси 1813 йилда генерал Лагори билан ишқий муносабатлари тугайли эри билан ажрашган ва ўли Виктор билан Парижда яшаган.

Кўп йиллар давомида Гюгонинг таълим олиши тизимсиз бўлган. 1814 йилдагина Кордье пансионига кирган ва шу ердан “Буюк Людовик”нинг лицейига ўтган. Ёшлигиданоқ кичик Виктор “Мен бўлсам Шатобриан” бўлсам ёки ҳеч ким”, деб шор қилиб олди.

Унинг ижодий жараёнга кириб келиши асосан, 14 ёшдан бошланган. Айрим норасмий маълумотларга кўра, Гюго гарчи чоп этмаган бўлса ҳам, “Иртактин” (“Yratine”), “Ателиа ёки скандинавлар” (“Athelie ou les scandinaves”) номли трагедиялар ва “Луи де Кастро” (“Louis de Castro”) номли драмаларини ёзган.

15 ёшда эса Француз Академияси томонидан ўтказилган танловда “Ўқиш имтиёзлари” (“Les avantages des études”) номли шеъри учун мактовга сазовор бўлган. Икки йилдан кейин, 1819 йилда Тулуза Адабиёт Академияси томонидан ўтказилган “Гуллар ўйини” (“Jeux Floraux”) адабиёт мусобақасида “Верден қизлари” (“Vierges de Verdun”) шеъри ва “Герих IV нинг хайкалини тиклаш” (“Retablissement de le statue de Henri IV”) номли қасидаси учун иккита мукофот — Олтин лиляни кўлга киритган. Бу йутуғи билан хатто атоқли француз шоири ва давлат арбоби Алфонс де Ламартинни ҳам доғда қолдириб кетган.

Виктор Гюгонинг ҳуқуқий таълим олганлиги ҳақида деярли маълумот йўқ. Лекин француз Гюгошунос олимаси Жозетта Аше (Josette Acher)нинг “Гюго Садоси” (“Echo Hugo”) журналида чоп этилган “Виктор Гюго: ҳуқуқ — юридик тилга қарши” номли мақолада Виктор Гюго 1818 йилда ҳуқуқшунослик факультетида тахсил олганлиги ва Наполеон кодексларини жуда чуқур ўрганганлиги ҳақида қайдлар мавжуд.

Навқирон Гюгонинг шеърини борасидаги ютуқлари Людовик XVIIIнинг эътирофига сазовор бўлган ҳамда Кирил шоирни ҳар йили тўланадиган 1200

франк пул мукофоти билан тақдирлай бошлаган. Бу эса, ўз навбатида, Гюгонинг моддий аҳолини яхшилашга ва 1822 йил 12 октябрда ёшлигидеги Гюгобона муҳаббати Адель Фуше (1803-1868) га уйланишига имкон берган ва улар беш фарзанд кўрган.

1823 йилда Гюгонинг готика услубида ёзилган “Исландиялик Ган” (“Hap d’Islande”) номли романи чоп этилган бўлиб, ушбу роман юзасидан Шарл Нодбенинг асосли танқидий мақоласи Гюгонинг у билан учрашишига ва дўст бўлишига сабаб бўлган. Уша даврларда Гюго отасига бағишлаб, “Отамга қасида” (“Odes a mon pere”) ҳамда “Жангдан сўнг” (“Apres la bataille”) номли поэмаларини битган.

Гюгонинг 1829 йилда ёзилган “Ўлимга ҳукм қилинган кишининг охириги кун” (“Le dernier jour d’un condamne”) номли ҳикояси Альбер Камю, Чарльз Диккенс, Фёдор Достоевский каби машҳур ёзувчиларнинг ижодига катта таъсир кўрсатган.

1834 йилда “Клод Гё” (“Claude Gueux”) асари нашрдан чиққан. “Ўлимга ҳукм қилинганнинг охириги кун” ҳамда “Клод Гё” номли асарларида Гюгонинг ўлим жазосига бўлган салбий қарашлари ёзилган.

Ёзувчи 1841 йилда Француз Академияси аъзоллигига сайланган. 1842 йилда Гюгонинг “Рейн” (“Le Rhin”) номли китоби чоп этилган. Бунда Гюго халқаро сийсатни ривожлантириш соҳасида Франция ва Германия билан ҳамкорлигини кенгайтириш дастурларини баён қилган.

Кирил Луи Филипп Гюго 1845 йилда Францияда олий дворянлик унвони ҳисобланган Пэр унвони билан тақдирлаган. Бироқ давлат ҳокимияти тепасига 1851 йилда Наполеон III келганидан сўнг, Гюго Францияни тарқ этишга мажбур бўлган. У шу тарихи 20 йил давомида чет мамлакатларда муҳажирликда яшаган. Бунга сабаб эса

унинг инсон ҳуқуқларида оид фикрлари бўлган: “Жабр-зулмни ёмон кўраман. Ерда эса мустамлака халқлар босқинчилар зулми остида эзилиб ётибди. Бешинчи Туркия томонидан Греция эзилганини, Ирландиянинг тугайтганини, Австрия ўзининг ҳассаси билан шармандаларча венециан шерни синдиришини, Вена эса тиш-тирноғи билан Милани ушлаб тураётганини кўрсам, мен ҳамма тиранларни лаънатлайман. Мен шоирни судья, деб ҳис қиламан. Ушанда мен ёқимли ўқишларни ташлайман ва ўзимнинг лирамга” мис торини кўшаман”.

Гюго 1870 йилда Францияга қайтиб келган ва орадан олти йил ўтган сенатор этиб сайланган.

Ижодкор учта инқилобнинг гувоҳи бўлган. Унинг кўз олдида иккита империя кулаган, француз тахтида сулолалар алмашинуви кўрган. Адиб бўлиб ўтган ҳамма сийсий ҳодисаларнинг марказида бўлган. Инсон ҳуқуқларининг чеклаб қўйилишига қарши чиққан, ҳақорат қилинганларни, ҳўрланганларни, камситилганларни ҳимоя қилган. Гюго ўз ҳаётини бир неча бор ҳавф остига қўйиб, узок йиллар мобайнида Франциядан ташқарида сийсий қуввинликда яшашга мажбур бўлган. Лекин шунга қарамадсан Гюго ўзининг демократик қарашларидан қолган.

Гюго “Инсоннинг биринчи эҳтиёжи, биринчи ҳуқуқи, биринчи бурчи бу — Озодликдир”, деб тақдор ва тақдор айтаверишдан тўхтамаган. 1789 йилдаги Франция инқилоби Гюго ижодининг асосий илҳомлантирувчиси ҳисобланган. Унинг таъкидлашича: “Инқилоб, бутун инқилобнинг ҳаммаси — XIX аср адабиётининг манбаи ҳисобланади. Романтизм ва социализм бир хил ҳодисанинг ўзи демакдир”.

Адибнинг озодликка бўлган қурашини театр

сахналаридан бошлаган. Гюго “Эрнанлар” (“Hernani”, 1829), “Кирил овуномқода” (“Le roi s’amuse”, 1832), “Лукреция Борджа” (“Lucrece Borgia”, 1832), “Мария Тюдор” (“Marie Tudor”, 1833), “Анджело, Падулик тиран” (“Angelo, tyran de Padoue”, 1835) “Рюи Блаз” (“Ruy Blas”, 1838) номли драмалар ёзган. Рус тадқиқотчиси Л.Андреев “Гюгонинг барча драмалари — ўзига хос инсон ҳуқуқлари декларацияси”, деб баҳолаган.

1885 йил 22 майда Виктор Гюго Париж шаҳрида, Вольтер ва Гёте каби 83 ёшида оламдан ўтади. Ушбу кун бутун Француз диёрида мотам қилинган ва уни сўнгги манзилга кузатиш учун Европанинг турли бурчларидан икки миллиондан ортиқ инсонлар келишган.

Унинг асарларини бутун Европа қитъаси севиб ўқиган. Дарвоқе, Виктор Гюго келажакни кўра оладиган ва истиқболларни белгилашга қодир кучли сийсатчи ҳам бўлган. Хусусан, Виктор Гюго 1849 йил 21 августда Парижда бўлиб ўтган 3-Халқаро тинчлик конгрессида Европа Иттифоқи ташкил топишидан деярли бир асрдан олдин “Европа фуқароси” ва “Бирлашган Европа давлатлари” ҳақидаги гояларни илгари сурган.

Виктор Гюго асарлари, хусусан, шеърлари — жамоат қораловечиси. Уларда қонли давлат тўнаришлар, мансаб билан боғлиқ жиноятлар қаттиқ қораланган ва жиноятчиларга нисбатан оғир ҳукм чиқаришни талаб қилган. Адиб меҳнат қилмай бойлик орттиришга хирс қўйган, одамга зулм қилувчи боёнлардан нафратланган ва ўз иқтидори ҳамда истеъдодини француз халқига бағишлаган. Балки шу боис ҳам, унинг асарлари ҳуқуқ оламиндан кенг жой олган.

(Давоми бор)

* “Si vous avez la force, il nous reste le droit” // Victor Hugo. Cromwell, IV, 8 — 1827.

* “Victor Hugo était un fou qui se prenait pour Victor Hugo” // Балки Виктор Гюго ўзини “Мен Гюгоман”, деб тез-тез тақдорларанлиги боис, уни худбинлигига кино сифатида айтилган сўзлар.

* Жан Кокто (1889-1963) — сержирра истеъдодли француз адиби, киношунос олим, драматург ва расмсон.

* 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Куберева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н. — М.: Вече, 2007. — С. 130.

* Пансион — ўқувчиларни ётоқхона, озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлайдиган ўрта ўқув юрти, яъни мактаб-интернат.

* Франсуа-Рене Шатобриан (1768-1848) — машҳур француз сийсатчиси ва ёзувчиси.

* 100 великих писателей / Г.В.Иванов, Л.С.Калужная. — М.: Вече, 2006. — С. 212.

* Виктор Гюго // http://ru.wikipedia.org/wiki

* Лилия — полауллиларга мансуб декоратив ўсимлик.

* Josette Acher. Victor Hugo: le droit contre la langue juridique. // L’echo Hugo, Bulletin de la Societe des Amis de Victor Hugo, 2003, N°3, P. 129-147(19)

* Готика услуби — готика услубидаги архитектура; Германияда ва баъзи бошқа мамлакатларда мезморчиликда қўлланиладиган ўли шрифти.

* Oumbarov N., Soatjonov I. Histoire de la litterature fransaise. — Т.: O’qituvchi, 2002. — P. 118.

* Лири — Юнонистонда: чертиб чалинадиган торли мусиқа асбоби; поэтик ижодиёт рамзи, илҳом париси;

Бу ерда шеърин ижодиёт.

* Иванов Г.В., Калужная Л.С., 100 великих писателей. — М.: Вече, 2006. — С. 212-213.

* 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Куберева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н. — М.: Вече, 2007. — С. 131.

* 100 великих писателей / Г.В.Иванов, Л.С.Калужная. — М.: Вече, 2006. — С. 212.

* 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Куберева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н., — М.: Вече, 2006. — С. 130-131.

* Philippe Malaurie. Droit et litterature. Une anthologie. — Paris: Editions Cujas, 1997. — P. 220.

* 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Куберева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н., — М.: Вече, 2006. — С. 135.

* Article 17 de la version consoliee du Traite instituant la Communaute Europeenne // Journal officiel n° 325 du 24 decembre 2002.

* Андреев Л.Г., Козлова Н.П., Косиков Г.К. История французской литературы. — Москва: “Высшая школа”, 1987. — С. 310.

* Кодири Мирмухамедов. Виктор Гюго // Жаҳон адабиёти, 2003, №2. — 80-81 бетлар.

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли юртдошлар!

“Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:



Миллий валютада

“ФАРОВОН ТУРМУШ”

Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада

“ИШОНЧЛИ” (АҚШ долларида)

Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

■ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

■ маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

■ эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

■ миқдори чекланмаган!

“Асака” банк — сармоянгузни сақланиши ва кўлайтириши кафолатланади!

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 29 июлдаги 157-ум-сонли буйруғига асосан, Самарқанд шаҳридаги “АМАН” адвокатлар ҳайъатининг адвокати Шайхон Шайхонидин ЖУБАНОВ Самарқанд шаҳар судининг 2013 йил 24 майдаги ҳукмига асосан жиноий жавобгарликка тортирилганини сабабли унинг номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 6 апрелда берилган СА №000387-рақамли адвокатлик филоияти билан шугулланиши ҳуқуқини бериши лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 29 июлдаги 157-ум-сонли буйруғига асосан, Самарқанд шаҳар “ДИНАТ НУР” адвокатлик фирмасининг адвокати Адилов Суръат Убайдуллаевич номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 июнда берилган СА №000246-рақамли адвокатлик филоияти билан шугулланиши ҳуқуқини бериши лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 31 июлдаги 206-ум-сонли буйруғига асосан Қўқон шаҳар “Омад белгиси” адвокатлик бюроси адвокати Халилова Зубайда номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июнда берилган ФЕ №000079 рақамли адвокатлик филоияти билан шугулланиши ҳуқуқини бериши лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилганига қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Уч-тепа тумани 7-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Дилдор Қурбоновага отаси **Ҳолдор ХОДЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАСССА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январь
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
олишловлари
0061-франк билан
рўқбатли оловчи

Бош
муҳаррир:
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Рақабатова Маъжуда
Абдуллаева
Кўчқор Тоғоев
Турсунов Тўлқин Мирзаев
Очлов Алжан Мухлисович
Султонов Алимкул
Тошбекович
Мамалатаев Зайниддин Очлов

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-7801. Тиражи — 17114.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сойилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-90
Баҳоли қўлланган нусха

1 2 3 4 5